

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Джалилов Фахриддин Азимович,  
Самарқанд давлат университети ассистенти  
E-mail: [tursunov\\_mansur@bk.ru](mailto:tursunov_mansur@bk.ru)

**Аннотация:** Ушбу мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида хизматлар сифати ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий шакллари ва воситалари тадқиқ этилган. Шунингдек, диалектик ва тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш, қийёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ва динамик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усулларидан фойдаланилган ва хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг механизмини такомиллаштириш бўйича тегишлича хулосалар берилган.

**Аннотация:** В статье исследуются организационно-экономические формы и средства, направленные на повышение качества и эффективности трудовой деятельности в сфере услуг. А также использованы методы диалектического и системного подхода, комплексной оценки, сопоставительного и сравнительного анализа, статистического и динамического подхода и методы группировки, и представлены различные выводы по совершенствованию механизмов развития сферы услуг.

**Abstract:** The article explores organizational-economic forms and tools of improving the quality and efficiency of labor in the service sector. And also the methods of dialectical and systematic approach, integrated assessment, comparative and comparative analysis of statistical and dynamical approach and methods of the group, and presented various insights on improvement of mechanisms of development of sphere of services.

**Калим сўзлар:** меҳнат фаолияти, самарадорлик, ахборот, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, хизмат кўрсатиш сифати.

### Кириш

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ташкилий-иқтисодий жиҳатдан тўғри шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ушбу соҳанинг ривожланиши ташкилий жиҳатдан оптимал ва хизматлар бозори конъюнктурасига нисбатан эгилувчан бўлса, хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат фаолиятини ташкил этишни тўғри йўлга қўйиш миллий иқтисодиёт миқёсида бир қатор ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни бартараф этишга сабаб бўлади.

Бугунги кунда республикамізда “хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш”[5]долзарб масала ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёни таркибий қисмларининг мураккаблиги ва хилма-хиллиги, уларнинг бажарилиш тадбирларини мустақил танлаш, ҳисоблаш, лойиҳалаштириш ва мувофиқлаштириш имкониятлари меҳнатнинг мазмунига муҳим ўзгаришлар киритади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида ходимлар меҳнат фаолиятининг энг самарали бўлишини таъминлаш мақсадида хизмат кўрсатиш жараёнларини ўрганиш, такомиллаштириш ва ҳар томонлама асосланган хизмат кўрсатиш нормаларини ишлаб чиқиш ва иш вақтидан самарали фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини ўстириш имкониятини аниқлаш зарур. Бироқ меҳнат унумдорлигини оширишни секинлаштирувчи ва тўхтатувчи омиллар бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги шароитида ҳам мавжуд. Чунки, хизмат кўрсатаётган корхоналар харажатларини тўхтовсиз камайтириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш билан эмас, балки ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ёки кўрсатаётган хизматлар камчилиги ва танқислигидан фойдаланиб, уларнинг баҳоларини ошириш эвазига режалаштирилган миқдорда даромад олишга эришмоқдалар. Бундай ҳол, ўз навбатида нафақат бошқариб бўлмайдиган инфляция жараёнининг янада ривожланишини кучайтиради, балки ҳар томонлама илмий асосланган хизмат кўрсатиш нормаларини кенг жорий этиб, хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш харажатларини қисқартиришга умуман имкон бермайди.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

1. Қ.Х. Абдурахмонов "Меҳнат иқтисодиёти" номли дарслигида меҳнат бозори сифат хусусиятининг энг муҳим мезони уни инфратузилмасининг ривожланиш даражаси эканлиги, меҳнат бозори инфратузилмасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, таркибий қисмлари элементлари, асосий вазифаси ва функцияларининг айрим жиҳатларини тадқиқ этган. Шунингдек, меҳнат бозори муносабатлари тизимига махсус органларининг қўшилиши улар ўртасида зиддиятлар бўлмаслигини таъминлаш, турли-туман иқтисодий воситалар ва усуллар, ҳуқуқий нормалар ёрдамида иш билан бандлик жараёнлари ва сиёсатини ташкил этиш ҳамда тартибга солишни таъминлаш зарурати асослаб берилган.

2. Т.Д. Бурменконинг "Экономика сферы услуг (Вводный курс)" номли асарида корхоналарда меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш йўллари, меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш омиллари ва резервлари ҳамда уларни ўлчаш усуллари, корхоналарда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш омиллари, иш ҳақининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, иш ҳақини тўлаш шакли ва усуллари, унинг асосий вазифаси ва функциялари тадқиқ этилган.

3. Управления и организация в сфере услуг: теория и практика: Service management and Operation – 2-е международ изд. (пер.с англ нар. наук ряд. В.В. Кулибановой) / К.Хаксивер, Б.Рендер, Р.С.Рассел, Р.Г.Мердик – Спби. др: Питер бух. 2002. – С. 496. Ушбу асарда сервис иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиб бориши, хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш тизими, унинг усули ва воситалари, хизмат

кўрсатиш корхоналарида меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш омиллари ва резервлари ҳамда уларни ўлчаш усуллари, корхоналарда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш омиллари, иш ҳақининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, иш ҳақини тўлаш шакллари ва усуллари, унинг асосий вазифалари ва функциялари тадқиқ этилган.

4. Ш.О. Қувондиқовнинг "Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари" номли тадқиқот ишида хизмат кўрсатиш соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг имий назарий ва илмий услубий жиҳатлари тадқиқ этилган. Бунда соҳада оилавий тадбиркорликни ривожлантириш устувор вазифа сифатида, унинг ривожланиш хусусиятлари ва шакллари ёритиб берилган.

#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот жараёнида хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик ва тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш, қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ва динамик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усулларида фойдаланилди.

Ҳозирги шароитда ишчилар фаолиятининг меҳнатдаги буюмлашган элементлари билан ўзаро алоқасини ўрнатибгина қолмай, ўзаро ҳамкорликдаги фаолият қатнашчилари бўлган «инсон-техника» ўртасида меҳнат муносабатларини шакллантириш, жонли меҳнат самарадорлигини ошириш каби муаммоларни ечиш зарур бўлмоқда [2].

Бугунги кунда республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасида шаклланган ташкилий-иқтисодий механизм хизматлар бозорида уларнинг фаолиятини тўлақонли назорат қилиш ва бошқаришни ташкил эта олиш имкониятига эга эмас. Шунинг учун ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилий таркибини оптималлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бозор муносабатлари ривожланиши шароитида хизмат кўрсатиш соҳаларининг таркибий тузилмаси – бу мураккаб ташкилий-иқтисодий тузилма бўлиб, унинг асосий элементлари сифатида тармоқнинг моддий-техника таъминоти, кредитлаш, суғурта, маркетинг ва ҳуқуқий хизмат кабилар киради.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Хорижий мамлакатлар хизмат кўрсатиш соҳасининг ташкилий тузилиши хизматлар бозори ташкилий тузилмасининг тадқиқоти орқали республикамизда хизматлар бозорининг ташкилий тузилмасини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- амал қилиш механизмлари бўйича (воситачилик молиявий, ахборот-технологик, ҳуқуқий, маркетинг);
- мулк шакли бўйича (хусусий, кооператив (жамоа), давлат, ижтимоий, хорижий);
- кўрсатиладиган хизматлар кўлами бўйича (халқаро, миллий, ҳудудлараро, ҳудудий, маҳаллий);
- кўрсатиладиган хизматлар турлари ва йўналишлари бўйича: ишбилармонлик хизматлари (молиявий, суғурта, кредит хизматлари), тақсимот хизматлари (савдо, умумий овқатланиш), ижтимоий хизматлар (таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний маданият, ҳуқуқий хизматлар)[1].

Кўпчилик хорижий иқтисодчи олимлар хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибий тузилишини унинг тармоқ белгилари ва ривожланиш нуқтаи назаридан таснифлашни таклиф этадилар. Фикримизча, ушбу соҳани ташкилий-иқтисодий нуқтаи назардан таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

Бундай ҳолда қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур:

- ахборот-тижорат инфратузилмаси (маркетинг марказлари, реклама агентликлари, ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш марказлари, ва ҳ.з.);
- иқтисодий-ҳуқуқий инфратузилма (судлар, ҳуқуқий маслаҳат марказлари, адвокатлик ва нотариал идоралар ва ҳ.з.);
- молиявий-кредит инфратузилма (тижорат банклари, кредит, суғурта ва кафолат ташкилотлари);
- савдо, воситачилик инфратузилмаси (ярмаркалар, биржа, савдо уйлари тижорат марказлари ва ҳ.з.).

Хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини таъминлашда юқорида таъкидланган таснифлар муҳим аҳамият касб этади. Аммо, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида хизматлар салмоғини оширишга қаратилган ислохотлар ушбу хизмат соҳаларини янада ривожлантиришни талаб этади. Масалан, хизматлар тури сифатида савдо уйлари, ташкилотлари, ярмаркалар, озиқ-овқат ва ноозиқ овқат маҳсулотларини сотишга ҳамда уларни ишлаб чиқарувчиларини самарали фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Аммо, хизматлар махсус товар сифатида уни кўрсатувчиларга ўзига хос талабларни бажаришни талаб этади.

Ушбу фикрни тасдиғи сифатида ярмаркаларни ўрни ва ролини мисол қилиш мумкин. Кейинги вақтларда хизмат соҳасининг савдо-воситачилик таркибий тузилмаси сифатида уларнинг роли жаҳон тажрибасида бирмунча пасайиб бормоқда. Етакчи ўринга хизматлар бозори таркибида ушбу бозорнинг ҳолати ҳақида ишлаб чиқарувчилар ва хизмат истеъмолчилари ҳақидаги ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш зарур.

Республикамизда барча иқтисодий фаолият турлари каби хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам таркибий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан, 2009-2015 йил статистик маълумотлари таҳлил қилинганда, 2009 йилда жами хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт хизматлари (31,9 %) ҳиссасига тўғри келган бўлса, ушбу кўрсаткич йиллар давомида камайиб борган ва 2015 йилда 26,6 %ни ташкил этган, ёки 2009-2015 йиллар давомида транспорт хизматларининг жами хизматлар таркибидаги улуши 5,3 %га камайган.

Шунингдек, таҳлил қилинаётган давр давомида жами хизматлар таркибида қурилиш хизматлари (7,4 %) алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (1,3 %) камайиш тенденциясига эга эканлиги аниқланди.

Жами хизматлар таркибида савдо ва овқатланиш хизматларининг улуши 2009 йилда 17,4 %ни ташкил этган бўлса, 2015 йилда ушбу кўрсаткич 23,8 %ни ташкил этган ёки жами хизматлар таркибида савдо ва овқатланиш хизматларнинг ҳиссаси 6,4 %га ошган. Бундан ташқари, таҳлил қилинаётган давр давомида жами хизматлар таркибида молиявий хизматлар (1,2 %), таълим хизматлари (2,9 %), маиший хизматлар (2,4 %), соғлиқни сақлаш хизматлари (1,2 %), қишлоқ хўжалиги соҳаси хизматлари (0,5 %) ва компьютерли дастурлаш хизматлари (0,2 %) ўсиши кузатилган.

2015 йил маълумотларига кўра хизмат кўрсатиш соҳаси таркибида транспорт хизматлари (логистика хизматларини кўшган ҳолда) (26,6 %) ҳамда

савдо ва овқатланиш хизматлари (23,8 %) устувор аҳамиятга эга бўлиб, жами хизматларнинг ярмидан ортиғи айнан ушбу хизматлар улушига тўғри келмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг таркиби, жамига нисбатан фоизда\***

Хизмат турлари	2009 й.	2011 й.	2013 й.	2015 й.
<i>I</i>	2	3	4	5
<b>Жами – хизматлар*</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	6,7	6,4	5,4	5,4
Компьютерли дастурлаш хизматлари	0,0	0,0	0,2	0,2
Молиявий хизматлар	8,1	8,3	8,4	9,3
Транспорт хизматлари (логистика хизматларини қўшган ҳолда)	31,9	29,5	27,8	26,6
Қурилиш хизматлари	13,2	11,7	4,8	5,8
Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	0,8	0,8	0,5	0,8
Қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	0,1	0,1	0,1	0,1
Туризм-саёҳат хизматлари (меҳмонхоналар хизматини қўшган ҳолда)	0,5	0,4	0,5	0,5
Савдо ва овқатланиш хизматлари	17,4	21,3	22,4	23,8
Маиший хизматлар	1,7	1,3	3,5	4,1
Таълим хизматлари	0,0	0,0	2,8	2,9
Соғлиқни сақлаш хизматлари	0,0	0,0	1,0	1,2
Қишлоқ хўжалиги соҳаси хизматлари	0,0	0,0	0,6	0,5
Бошқа хизматлар	19,5	20,2	21,9	18,8

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган. \*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги 1754-сонли қарорида белгиланган хизматларнинг асосий турлари бўйича шакллантирилган.

Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг яна бир ташкилий механизмларидан бири – бу соҳа учун хизмат қиладиган ахборотлар тизимидир. Мазкур тизим ўз ичига, фикримизча, қуйидагиларни қамраб олади: реклама агентликлари, маркетинг хизмати марказлари, доимий ёки кўчиб юрувчи кўргазмалар, ахборот воситалари ва электрон алоқа тизимлари ва бошқалар. Фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасида ахборот таъминотини янада ривожлантириш аҳолини хизматларга бўлган тўлов қобилиятини истиқболлаштиришни асослаш, ушбу соҳани ўсиш динамикасини баҳолаш, кўрсатиладиган хизматлар сифати ва самарадорлигини яхшилашга имконият яратади. Бунинг учун вилоят миқёсида хизматларга бўлган талабни ўрганиш бўйича махсус хизматни ва маркетинг марказларини ташкил этиш керак. Ушбу ташкилий тузилма қуйидаги фаолият йўналишларини ўз ичига олади:

- янги хизмат турларига бўлган талаб ва таклифни ўрганиш бўйича илмий-амалий қўлланмаларни ишлаб чиқиш;
- хизматларга эҳтиёж сезаётган субъектлар учун вилоят миқёсида хизматлар конъюнктураси учун ҳисоботлар, буклетлар, маърузалар тайёрлаш;

– кўрсатиладиган хизмат сифатини аниқлаш учун сўровномалар, социологик тадқиқотлар ўтказиш;

– хизматлар соҳасидаги муаммоларни ечиш бўйича ижтимоий тадбирларда, ярмаркаларда, кўرғазмаларда иштирок этиш.

Хизмат кўрсатиш корхоналари ахборот таъминотини таъминловчи муҳим ташкилий бўғин бу реклама фаолиятidir. Унинг ушбу соҳа учун аҳамияти хизматлар ҳақидаги маълумотларни турли хил шаклларда омма орасида тарқатишдан иборат, шу билан бир қаторда реклама нафақат ахборот манбаи, балки у хизматларга янги эҳтиёжлар ва аҳолини тўлов қобилиятини рағбатлантирувчи муҳим ташкилий механизмдир[4].

Ҳозирги кунда хизмат кўрсатувчи корхоналар ўз реклама хизматларини ташкил этиш имкониятига эга эмаслар, чунки уларнинг бу мақсади учун на молиявий на моддий имкониятлари мавжуд. Шунинг учун, фикримизча, вилоят миқёсида хизмат турларини тарғибот қилувчи хизмат кўрсатиш корхоналари ва истъемолчилар ўртасида шартномалар тузувчи, махсус буюртмалар билан ишловчи махсус реклама агентликларини тузиш зарур.

Хизматлар бозори муқобил тарзда ривожланиб бораётган таркибий элементлардан яна бири – бу уларнинг ярмарка ва кўрғазмаларидир. Ҳозирги вақтда улгуржи ярмарка ва кўрғазмаларнинг вазифалари тубдан ўзгариб бормоқда. Бу ўзгаришлар хизматлар фаолияти самарадорлигини реал тарзда оширишга йўналтирилгандир [3].

Хизмат кўрсатиш соҳасида ахборот оқимини моддий-техник асосини таъминлаш ўз таркибига телефон, телекс, факсимал алоқа, спутник алоқаси, компьютер марказларини қамраб олувчи ахборот ва алоқа воситаларини ташкил этади. Ахборот марказлари ва алоқанинг хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштиришдаги хусусиятларидан бири, улар асосида ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар ўртасида мустақил равишда алоҳида ахборот таъминотига эга бўлиш имкониятини юзага келтиради ҳамда уларнинг ахборотга эга бўлиши бўйича бир-бирига боғлиқлик бўлмайди. Бу ҳол хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг фаолияти самарадорлигини таъминлайди.

Хизмат кўрсатиш бўйича ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва уларни етказиб беришни такомиллаштиришдан келадиган самара трансакцион харажатларни камайтиришда, хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширишда, моддий-техник таъминотни яхшилашда, молиявий ресурслар айланишини жадаллаштиришда намоён бўлади. Шунинг учун, фикримизча, ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари ҳақида ахборот ресурслари бўйича маълумотлар банкни яратиш, уларнинг базавий тўпламини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, соҳанинг ривожланишини истиқболлаштириш йўналишларини тадқиқ этишда манба бўлиб ҳисобланади.

Фикримизча, ҳудудий даражада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастурини амалга ошириш бўйича ахборот таъминотини шакллантириш зарур. Бунга кўра, вилоятда фаолият юритувчи хизмат кўрсатиш субъектлари учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишда маълумотлар банки муҳим роль ўйнайди:

– вилоят аҳолисига, корхоналарга, тадбиркорларга маълумотлар банки орқали уларнинг хизматлар ҳақида тўлиқ маълумотлар олиш имконини беради;

– вилоят миқёсида ахборот пунктларини очиш, жойлаштириш йўли билан жами аҳоли учун ахборотлардан фойдаланишга имконият яратади.

Хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини оширишда иқтисодий-ҳуқуқий инфратузилманинг ўрни каттадир. Мазкур тузилма таркибига хўжалик суди, ҳуқуқий маслаҳат марказлари, нотариус ва адвокатлик идораларини қамраб олади. Уларнинг роли муҳимлиги шундаки, бозор муносабатлари ривожланиши шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида пайдо бўладиган низоларни бартараф этишдан иборатдир. Чунки, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий ва меъёрий асослари турли хил фаолиятлар билан шуғулланувчи субъектлар сонини ҳаддан ташқари кўпайишига олиб келади. Албатта, бундай ҳолат улар ўртасида ўзаро келишмовчиликлар, низоларни бўлишига сабаб бўладики, уларни ўз вақтида бартараф этиш хизматларни янада яхшлашга олиб келади.

Хизмат кўрсатиш ходимлари фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлашнинг асосий мақсади самарадорликка эришиш билан боғлиқ ижтимоий ва иқтисодий мақсадларга: рақобатбардош товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва сотишни амалга ошириш, ишчи кучини тиклаш учун корхоналарнинг мавжуд имкониятлари ва натижаларига фаол равишда таъсир этишдан иборат. Бунинг маъноси шуки, ходимлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш бир томондан, олинadиган фойдани кўпайтиришга кўмаклашиши, иккинчи томондан эса меҳнатга қобилиятли жамоа ярата олиш имконини беради (1-расм).



**1-расм. Хизматлар кўрсатиш корхоналари фаолиятлари самарадорлигини ошириш ташкилий-иқтисодий механизми элементлари**  
Муаллиф ишланмаси.

## **Хулоса ва таклифлар**

Хизмат кўрсатиш корхоналарида ходимлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш уларни самарали бошқариш борасида биринчи даражали вазифа бўлиб қолмоқда. Шунингдек хизмат кўрсатиш жараёнида юқори сифатга эришиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш усулларини яхши ўзлаштирган раҳбар ва мутахассис кадрларга талаб ортиб бормоқда. Корхона ходимларининг умумий меҳнат натижалари ҳар бир ходимнинг шахсий меҳнат натижаларига боғлиқдир. Шу сабабли уларнинг биргаликда фаолият олиб боришлари учун муайян тартибни сақлаб бориш, ишнинг бошланиши ва тугалланиши, танаффусларга риоя этиш лозим. Шунингдек меҳнат интизомини сақлаб боришнинг аниқ механизми ҳам зарур.

Ҳозирги вақтда хизматлар бозорида ахборотлар роли жиддий равишда ўсмоқда. Хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ошириш учун ахборотларга юқори эҳтиёж ва ахборот жараёнларининг шиддатли ривожланиши корхоналарда унинг ташкилий бўлимларини яратишни биринчи ўринга олиб чиқади. Ҳақиқатдан ҳам бундай ахборот тизимлари хизматларига талаб ҳудудий хизматлар бозорини қамраб олиш доирасигача кенгайиб боради.

Фикримизча, корхоналарда ахборотлаштириш бўлимлари қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олиши зарур:

- хизматлар бозорида хизматларга бўлган талаб ва таклиф ҳақида бошланғич маълумотларни тўплаш;
- маълумотларни қайта ишлаш дастурини ишлаб чиқиш;
- мавжуд йиғилган ва тўпланган ахборотлар асосида муълумотлар базасини яратиш.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдукаримов Б.А. Коммунал хизматларни такомиллаштириш – аҳолига қулайликлар яратиш омили. - Т.: Фан ва технология, 2007. -28 б.
2. Абдурахмонов К.Х. Меҳнат иқтисодиёти (Дарслик). Т.: Меҳнат, 2004. - б.397.
3. Бурменко Т.Д. Экономика сферы услуг (Вводный курс) / Т.Д.Бурменко. –Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2004. –С.37-38.
4. Управления и организация в сфере услуг: теория и практика: ServisemenedjmentandOperation – 2-е международ изд. (пер.санглнар.наук ряд. В.В. Кулибановой) / К.Хаксивер, Б.Рендер, Р.С.Рассел, Р.Г.Мердик –Спби.др: Питер бух. 2002. – С. 496.
5. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли фармони, 1-илова, 3.2-банд.
- 6.Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2009-2016 йиллардаги статистик тўплам.